


OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA
ABDULHAMID CHO'LPON IJODINING O'RNI

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA

2022-yil 15-mart



*Uzoq yo'lning yo'lchisiman, boraman,
Istagimni bu yo'llardan olaman!..*

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

**“YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI
VA TAKOMILIDA ABDULHAMID CHO'LPON
IJODINING O'RNI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA
(2022-yil 15-mart)**

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

УЎК: 821.512.133-4.

КБК: 83. (Ў)

Tahrir hay'ati:

A.S.Yuldashev, R.Shamsutdinov, B.Rahmonov, Z.Mamajonov,
D.Abdullayeva, S.Islomova, I.Madg‘oziyev

Mas’ul muharrir:

Dilmurod QURONOV
Filologiya fanlari doktori, professor

Taqrizchilar:

Nurboy JABBOROV, f.f.d. prof.
Bahodir KARIMOV, f.f.d. prof.

Ushbu konferensiya bajarilishi 2021–2022 yillarga mo‘ljallangan A-OT-2021-57 raqamli “Cho‘lpon hayoti va ijodiy merosi manbalarining elektron platformasi va mobil ilovasini yaratish” mavzusidagi amaliy loyihasi doirasida o‘tkazilgan.

*Ўйланган ўйларга кўнгил юпанмас,
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,
Айталар бу тунда ёргуғ шам ёнмас,
Чақмаса гугуртни асл ўғиллар....*

Маърифат РАЖАБОВА

Бухоро давлат университети
ўзбек адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.
marifat.bakaeva@mail.ru

ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

Аннотация: Мақолада Чўлпон лирикасида йил фасллари тасвири билан боғлиқ ғояларга урғу берилади. Баҳор (кўклам) куз, хазон, қиши каби йил фаслларининг бадиий талқинлари орқали ёритилган ғоялар шоир лирик мероси мисолида таҳлилга тортилади.

Резюме: В статье рассматривается идеи связанные с временами года в лирике Чулпан. А также анализируется лирическое наследия Чулпана о весне, осени и зиме.

Summary: The article stresses the idea connected with the description of seasons in Chulpan's lyrics. Literaru description of seasons of the year is analured in the xamples of lyric heritage the poet.

Калит сўзлар: Чўлпон лирикаси, пейзаж лирикаси, табиат, табиат ва инсон, баҳор (кўклам) куз, хазон, қиши, қарға.

Ключевые слова и термины: Лирика и Чулпана, пейзажная лирика, природа, природа и человек, ранняя весна, осень, листопад, зима, ворона.

Keys words: Chulpan's lyrics, landscape's lyrics, nature, nature and human, spring, autumn, fall, winter, crow.

Табиат ижодкорлар учун ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келган, чунки инсон қалбининг нозик кечинмаларини табиатдан айри ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тасвирлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун адабиётда, айниқса, шеъриятда табиат поэтикасига мурожаат қилиш барча даврларда долзарблик касб этган. Буни биргина Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўпон ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Чўлпон зиддиятли даврнинг истеъодли ва закий фарзанди эди. У жамиятда юз берган қабих иллатлар, зулм ва адолатсизликлар, миллат бошига тушган қора кунларнинг гувоҳи бўлди. Ана шундай аянчли ҳолатларнинг бадиий талқинлари унинг назмий ва насрый асарларида бўй кўрсатди. Шоир даврнинг оғриқли дардларини, замондошлиарининг аламли ва маҳзун кайфиятини, гоҳо эҳтиросли қалб кечинмаларини тасвирлашда табиат манзарапарига қайта - қайта мурожаат қилиб, шу йўл билан жонли манзара, жонли тасвирлар яратишга эришди.

Чўлпон лирикасида баҳор (кўклам), куз, хазон, қиши каби йил фасллари билан боғлиқ тасвирларга дуч келинади. Улар шоирнинг турли мақсад ва ғоялари учун хизмат қилган.

Маълумки, куз – бу баҳор ва ёзнинг интиҳоси. Хазон эса йил фасллари алмашинувининг натижасидир. Шунинг учун шарқ шеъриятида хазонни кексалик, қарилик тимсоли сифатида тасвирланади. Фикримизни Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ул-сиғар” дебочасидаги қуйидаги иқтибос ҳам тасдиқлайди: “Ва куҳулат айёмиким, ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча қиёс қилса бўлғайким, бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғининг баргрезининг нишонидур, анинг таърифида “Бадойиъ ул-васат” била ўтказдим” [1.19].

Мумтоз шеърият тажрибаларини пухта ўзлаштирган Чўлпон табиат ва жамият ҳодисалари орасидаги уйғунлик орқали Ватан ва миллат тақдирида кечадиган ижтимоий -сиёсий воқеаларга ўз муносабатини билдириб ўтди.

Чўлпон лирикасида куз фасли билан боғлиқ тасвирларга дуч келинадики, улар асло бир-бирини такрорламайди. “Куз”, “Хазон” номли

шеърлари пейзаж лирикасининг гўзал намунаси. Шоир табиат ва инсон, табиат ва жамият орасидаги уйғунликни рамзий образларда санъаткорона тасвирлайди.

Кўм –кўк экан, саргайдилар япроқлар –

Оғриқ, мағлуб тутқун Шарқнинг юзи[2. 414].

Шоир байтда чиройли тасвир яратган. Баҳорда кўм-кўк бўлган япроқларнинг сарғайиши куздан нишона. Япроқларнинг сарғайиши “оғриқ ва мағлуб бўлган Шарқнинг юзига” қиёсланади. Шоир бундай манзара орқали мустамлака остида қолган Шарқнинг аянчли ахволига ишора қиласди. Буни шеърининг кейинги мисраларида қўлланган “қора булут”, “қарға”каби рамзлар ҳам тасдиқлайди:

Бало янглиғ қатор-қатор чизилиб,

Кўк юзидан қаргалар ҳам ўтарлар

Шарқдек ичдан яширгина эзилиб,

Кўп жонлилар сўнгги тинни кутарлар[2. 414].

Қарғаларнинг тизилишиб ўтиши табиатда қузатиладиган ҳолат. Шоир табиатнинг ана шу ҳодисасидан Шарқда “бало янглиғ” кезиб юрган истибоддинг аянчли қиёфасини чизади. “Сўнгги тин – уйкуга кетиш”. Табиатнинг “сўнги тини” - бу қиши. Шоир табиатнинг анашу ҳодисаси - “сўнги тин”ни жамиятга қўчиради. “Сўнги тин”ни кутганлар “ичдан яширгиуа эзилган кўп жонлар”дир, дея таъкидлайди.

Чўлпон “Куз” шеърида табиат ҳодисаларини миллат қисматига боғлаб кўрсатади. Бу билан шоир бутун ҳаёти ва ижодининг моҳиятини ташкил қилган эрк ғоясини гўзал тасвирларда талқин этади.

Ўз замонасида ва ҳатто ундан кейин ҳам таъқибларга учраган шоир шеърларида мунгли ва дардли замондошларининг қиёфасини, уларнинг асрий орзу-умидларни қўрқмай баралла куйлади. Чўлпон лирикасининг ана шундай гўзал намуналаридан бири “Яна қор” шеъридир.

Шоирнинг табиат тасвири билан боғлиқ шеърларида қарға рамзий образ сифатида тез-тез кўзга ташланади. Чўлпон “Яна қор” шеърида қарғаникуз ва қиши фаслининг даракчиси сифатида тасвирлайди:

*Яна қор. Оқ кафан ўралди яна
Яна кўк қуиди ерга парларини,
Қарғанинг тиллари бурилди яна,
Яна қиши чорлади нафарларини*[2.424].

Маълумки, бадиий адабиётда қарға чақимчилик рамзи сифатида кўлланади. Чўлпон шеърда қишига хос тасвирларни бадиий акс эттирас экан, қарғанинг ҳар иккала хусусиятини қуидаги мисраларда умумлаштиради.

*Бир фақат қарғалар қор устида,
Қорлашиб қиши бобойин олқайлар.
Тўнгдирувчи заҳар совуқ тунда
Бева – бечоралар ёмонлайлар*[2.424].

Шоирнинг қиши ва қорли қун тасвиридан мақсади: ”ҳар етимнинг кўзи ёшли, ҳар факирнинг йиғиси, ҳар бир сариф юзидағи сўнги шуъла ва ҳар томонда бир қайғу”ни табиат уйғунлигига беришдир. Шеърдаги “оқ кафан”, “қарғалар”, “қор кафан”, “булут”, “бўрон” каби поэтик образлар орқали Чўлпон жамиятда ҳукм сураётган зўравонлик, экрсизликка урғу беради:

*Яна қиши... Қор кафан ёпилди яна,
Қарғаларга тўй... ўйин топилди яна*[2.424].

Адабиётда қиши – баҳтсизлик ва мусибат, баҳор-янгиланиш, яшариш, ёшлиқ ва гўзаллик рамзи сифатида кўлланган. Чўлпонинг “Кўклам келадир” номли шеърида кўклам (баҳор)нинг барча фазилатлари гўзал тасвирларда баён қилинган.

*Кўкламойим йўлга чиққан. Кўкламойим қўзғолган,
Кўк кўйлакнинг битишига, унча кўп ҳам қолмаган*[2.491].

Кўклам ташхислантирилган. Унинг келишига “қип ялангоч дарахтлар” кўз тикиб турган бўлса, қарғалар эса:

Қарғалар ҳам қишида қилган гуноҳларини унудиб,

Узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб кетарлар [2.491].

Табиатнинг гўзал товланишлари, баҳорий уйғониш, янгиланишлар, унинг турфа сиру асрори, чунончи, “кўқ кўйлакнинг битишини чидамасдан кутаётган дарахт”лар, “сезгиларни уйғотувчи ҳидли гуллар”, “гул ҳидларидан ризқ эмгувчи жониворлар”, “кўкламойимнинг ипак кўйлаги бошини силаган ер”, борингки, баҳорнинг барча нашъу намоси бадиий тасвиrlанган шеърнинг охирги бандида шоир ўзининг асл муддаосини баҳорга уйғун тарзда ифодалайди:

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариши келсайди.

Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,

Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!... [2.491]

Шоир мазкур шеърда кўклам тасвирини яратиш орқали жамиятда ҳурлик, озодлик ва тенглик барқарор бўлишини, “юртининг кўкариши” – истиқтолга эришишини табиат ва жамият манзараларининг қиёсий талқинида туташтиради.

Чўлпонинг “Кўклам келадур” шеърида баҳорнинг келиши интиқлик билан кутилган бўлса, “Баҳор келди” шеърида баҳорнинг юртга ташриф буюрганлиги, “Ваҳимали қиши биносининг йиқилиб, баҳор эшиклари очилганлиги”га урғу берилади.

Йўқсилларни ингратгувчи қиши кетиб,

Баҳор келди, гулбарралар очилди.

Ваҳимали қиши биноси йиқилиб,

Гўзал баҳор эшиклари очилди[2.471].

Бу шеърда лирик қаҳрамонинг томомила ўзгача руҳий ҳолати тасвиrlанган. Шоир баҳорнинг ташрифи нафақат табиатга, балки юртга, “шодлик иси” - уйғониш онлари келганидан дарак эканлигини баралла куйлайди. “Оппоқ ой” номли шеърида ҳам Чўлпонинг миллат тақдири, инсон эрки, шаъни, қадри ҳақидаги қарашларини табиатга мурожаат қилган ҳолда бадиий ифодалайди.

Кучогингда жуда совуқ, оппоқ ой,

Кўклам келсин, бир севинай, бир ўйнай [2. 461].

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпон шеъриятида Туркистон ўлкасининг қисмати табиат ва йил фасллари билан боғлиқ ҳолда бадиий талқин қилинади. Шоир шеърларида табиат ва йил фасллари тасвири нафақат унинг рух ва кайфиятини, балки, бутун ҳаётини багишлаган, бутун ижодида тараннум қилган ўлмас ғояларни ўзида мужассамлаштирган.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Фаройиб ус-сигар. –Т.: “Фан”, 1988.
2. Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 .

Машҳура ШЕРАЛИЕВА

АДУ, Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

РИВОЯДА НУТҚ СУБЪЕКТИ ВА НУҚТАИ НАЗАР ЭГАСИ

(Чўлпон ва Э.Аъзам асарлари мисолида)

Аннотация: Ривояда нутқ субъекти ва нуқтаи назар эгасини фарқлаш бадиий асарнинг ғоявий-бадиий моҳиятини англашда алоҳида ўрин тутади. Чўлпон “Кеча ва кундуз” романидаайрим эпизодлар тасвирида ривоя орқали персонаж нуқтаи назари иллюзиясини ҳосил қиласди, бироқ моҳиятнан ўз нуқтаи назарини ифодалашга эришади. Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” ҳикоясидаги эпизодда содир бўлаётган воқеа персонаж нигоҳидан, унинг баҳоланиши эса персонаж-ҳикоячи нуқтаи назаридан берилади.

Калит сўзлар: ривоя, нутқ субъекти, нуқтаи назар эгаси.

MUNDARIJA

XX ASR BOSHLARI TARIXIY-MADANIY SHAROITI VA CHO'LTON IJODIYOTI

Almaz ÜLVİ BİNNATOVA. Өбдүлхәмид Çolpan – сәдидчиләrin әң böyük şairi.....	4
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ. Чўлпоннинг биринчи терговдаги жавоблари.....	11
Дилором АЛИМОВА. Чўлпон ва давр.....	15
Баҳодир РАҲМОНОВ. Чўлпон – эрк, истиқлол ва озодлик кўйчиси.....	21
Дилдораҳон АБДУЛЛАЕВА. Чўлпон мактублари хусусида.....	29
Нормурод АВАЗОВ. Беҳбудий ва Чўлпон.....	37
Ойсулув ЎРОҚОВА. Чўлпон эстетик тафаккурининг хусусиятлари.....	43
Махбуба ЗИЯЕВА. Роль творчества Абдулхамида Сулеймана Чулпана в узбекской литературе.....	47
Соҳибахон ИСЛОМОВА . Чўлпоннинг жорий нашрларда эълон қилинмаган шеърлари хусусида.....	50
Искандар МАДҒОЗИЕВ. Чўлпоннинг бир имзоси хусусида.....	57
Mamlakat ISMOLOVA, Shahlo KAMOLOVA. Aesthetical thought of mankind in chulpon's works.....	64
Adiba ABDURAZZAQOVA. Sulaymonqul bazzoz – Volai Rasvo adabiy merosi xususida.....	72
Умринисо ТЎРАЕВА. Чўлпон ижодида маърифатпарварлик ғояларининг ифодаланиши.....	76
Sabriddin AHMADOV. Cho'lpon ijodining tarixiy ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari.....	81

CHO'LTON IJODIY IZLANISHLARI VA YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING BADIY TAKOMILI

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ. Чўлпоннинг бадиий маҳорати (“Гўзал ” шеъри мисолида).....	87
Hamza ÖZTÜRKÇÜ. Çolpan'in yarkinay piyesinde kadin.....	95
Нурбой ЖАББОРОВ. Чўлпон шеъриятидаги айrim рамзлар поэтикаси.....	115
Дилмурод ҚУРОНОВ, Донохон НЕЙМАТОВА. “Ойдин кечаларда” ҳикоясининг иккинчи таҳрири ҳакида.....	124
Муқаддас ТОЖИБОЕВА. Чўлпон сафарномаларидағи ўзига хослик.....	132
Дилрабо ҚУВВАТОВА, Раҳима ШАРИПОВА. Чўлпон шеъриятида шамол ва булут рамзлари талқини.....	136
Ғайрат МУРОДОВ. Романчилиқда янги бадиий тажриба.....	141
Нормат ЮЛДАШЕВ. Чўлпон шеъриятида анъанавий жанрлар ва уларнинг трансформацияси..	146
Ҳалим КАРИМ. Чўлпон ва болалар адабиёти.....	152
Маърифат РАЖАБОВА. Йил фасллари ва бадиий талқин.....	159
Машхура ШЕРАЛИЕВА. Ривояда нутқ субъекти ва нуқтаи назар эгаси (Чўлпон ва Э.Аъзам асарлари мисолида).....	164
Азиза АХМЕДОВА. Чўлпон асарларида тақрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	168
Анжелика ХАЗРАТКУЛОВА. Мастер художественной словесности Абдулхамид Чулпан.....	174
Akromjon XUDOYBERDIYEV. Cho'lpon she'riyatida vatan konseptining badiiy falsafiy talqini.....	178
Бегали МҮМИНОВ. Чўлпон насрода зиёли образи талқини хусусида.....	186
M.QUDRATOVA. Cho'lpon – Navoiy ijodining targ'ibotchisi.....	191
Sabina BERDIYEVA. Cho'lpon hikoyalarida ayol obrazi tasviri.....	194
Orziboni YUSUPOVA. Cho'lpon ijodiy izlanishlarida va poetik individuallikni ta'minlashda sintaktik parallelizmning o'rni.....	198